

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**СИЯЕВА ГУЛНОРА АШРАФОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАР  
ЖАРАЁНИДА СОЦИОЛОГИК ДИСКУРСНИНГ РОЛИ**

**22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар  
ва турмуш тарзи ихтисослиги**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
социологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on sociological science**

**Сияева Гулнора Ашрафовна**

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида социологик  
дискурсинг роли ..... 3

**Сияева Гулнора Ашрафовна**

Роль социологического дискурса в процессе социально-политических изменений  
в Узбекистане ..... 25

**Siyaeva Gulnora Ashrafovna**

The role of sociological discourse in the process of socio-political changes  
in Uzbekistan ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**СИЯЕВА ГУЛНОРА АШРАФОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАР  
ЖАРАЁНИДА СОЦИОЛОГИК ДИСКУРСНИНГ РОЛИ**

**22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар  
ва турмуш тарзи ихтисослиги**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/S67 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Содиқова Шоҳида Марҳабоевна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Холбеков Абдуғани Жуманазарович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Мухтаров Азамат**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Ўзбекистон Давлат санъат ва  
маданият институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават \_\_ хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават \_\_ хона.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**М.Б.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

**Б.Ш.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

**А.А.Умаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг ўсиб бориши кун тартибига янги вазифаларни қўймоқда. Бунда социологик дискурс юз бераётган воқеа ва жараёнларга одамларнинг ўз талқини, ўзига хос ёндашувини мужассамлаштирувчи муносабат тизими сифатида намоён бўлади. Маълумотларга кўра, «2014 йилда давлат раҳбарларининг 68 фоизи ўз шахсий сайти орқали бўлаётган ўзгаришларга муносабат билдиришган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 80 фоизга кўтарилган»<sup>1</sup>. Социологик дискурс ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга хос бўлган ахборотнинг ўзини эмас, балки муносабат алмашиш вазифасини бажариши, унинг мазмуни эса мулоқот билан уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда социологик дискурс йўналишида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, халқнинг характери, эволюциясини мулоқот билан боғлаган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларини, шу орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, мулоқот орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш, ижтимоий муносабатлар ва муаммоларнинг дискурс орқали ифодаланиши, дискурсни тадқиқ этишнинг назарий асослари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда социологик дискурс шахс ва жамоанинг фикри мақсадида шаклланишини тизимли таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ислохотларнинг негизи бўлган халқ билан мулоқот орқали ижтимоий-сиёсий меъёрларга фуқароларнинг мослашиши ва кўникма ҳосил қилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш янги йилда ҳам фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади»<sup>2</sup> ва бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ҳар қандай ҳодиса, ғоялар келажак авлодларга мулоқот орқали етказилиб, давр руҳини акс эттиришда, ахборот етказувчилар тилини индивидуаллаштиришда, уларнинг руҳий кечинмаларини намоён қилишда, маънавий даражасини кўрсатишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини шакллантиришда социологик дискурснинг илмий-назарий асосларини, усул ва воситаларини такомиллаштириб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сон «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

<sup>1</sup> URL: <https://www.kommersant.ru/doc/3168299>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. “Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019й., - Б. 44.

тўғрисида»ги ПФ-5667-сон Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқ билан мулоқот орқали одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ўрганиш азалдан олимларни қизиқтириб келган. Маънавий меросимиз «Авесто»да сўз, фикр орқали муносабатни ифода этиш, инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаётнинг мазмунини белгилайдиган муҳим мезон эканлиги баён этилган.

Хорижлик олимлар П.Бурдые, И.Гоффман, М.Вебер, П.Анри, Т.А. Ван Дейк, Дуден, П.Сериоларнинг тадқиқотларида социологик дискурсни концептуал томонларини ёритишга ҳаракат қилишган. Улар социологик дискурс таҳлилини матн таркибини ўрганишдан бошлаб, матнда баён этилган умумий мавзулар, ишлатиладиган атамалар воқеа ва вазиятларнинг субъектив талқинида, муайян ижтимоий ҳолатни тушунишдаги ўзгаришларга таъсир қилишини, матнларни талқин қилишда турли урф-одат ёки интеллектуал талабларга асосланиб, уни қандай мақсадда ёзилганлигини аниқлашда герменевтика (юнон тилида – тушунтириш, изоҳлаш (илмий), талқин қилиш)дан кенг фойдаланишган. Герменевтиканинг асосий ўрганиш предмети - матндан тўғри фойдаланиш учун уни тушуниш, уни ақлий идрок этиш ва тўғри талқин этиш. Унда тушунишнинг турлари, даражалари, босқичлари, омиллари ўрганилади.<sup>3</sup> Олиб борилган бу изланишлар XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кенг ривожланган<sup>4</sup>. МДХ мамлакатлари олимларидан А.Кибрик, П.Паршин, Н.Арутюнова, Е.Чижевская, А.Баранов, Е.Казакевичларнинг<sup>5</sup> тадқиқотларида социологик дискурсни ўрганиш

<sup>3</sup> <http://ponjatija.ru/taxonomy/term/61>

<sup>4</sup>Бурдые П. Социология политики / П.Бурдые – М.: Socio-Logos, 1993.С.333, 2. Goffman E. Asylums: Essays n the Social Situation on Mental Patients and other Inmates. — N.Y., 1961, 3.The Max Weber dictionary: key words and central concepts. — Stanford University Press, 2005. — P. 18–21. 4. Анри П. Относительные конструкции как связующие элементы дискурса.// Квадратура смысла: французская школа анализа дискурса. – М: ОАО ИГ «Прогресс», 2002. С.180; 5.Van Dijk T. Discourse and Context: A Sociocognitive Approach. — Cambridge, 2008.; 6.Дейк Т.А. Ван. Анализ новостей как дискурса // Дейк Т.А. Ван. Язык. Познание. Коммуникация. Сборник работ. -М.: «Прогресс», 1989. С. 118149; 7.Duden. Bassiswissen Schule. Politik. Berlin: DUDEN PAETEC GmbH, 2008; 8. Серио П. Как читают тексты во Франции. // Квадратура смысла: французская школа анализа дискурса. — М: ОАО ИГ «Прогресс», 2002. С. 27.

<sup>5</sup> Кибрик А.А., Паршин П.Б. 2001. Дискурс. Энциклопедия Кругосвет / URL: [http://krugosvet.ru/enc/gumanitarnye\\_nauki/lingvistika/DISKURS.htm](http://krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/lingvistika/DISKURS.htm) (дата обращения: 17.12.2017); Арутюнова Н.Д. Дискурс // Языкознание. Большой энциклопедический словарь 2-е изд. М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. С. 136–137. 3.Чижевская Е.Е. Дискурс политика / Е.Е. Чижевская // Методология исследования социологического дискурса: Актуальные проблемы содержательного анализа общественно-политических текстов: сб. науч. трудов / Белгосуниверситет; под общ. ред. И.Ф. Ухвановой-Шмыговой. - Вып. 1. - Минск, 1998. - С. 161-170. 4. Баранов А.Н., Казакевич Е.Г. Парламентские дебаты. Традиции и новации // Сов. полит. яз. (от ритуала к метафоре) - М. Знание. 1991, Ст.-56.

жараёнида ижтимоий-сиёсий матнларнинг пайдо бўлиши ва қабул қилиниши, вербал ва риторик стратегиялари ҳамда матнда берилган маълумот муайян маданият, ижтимоий ҳамжамият ва маълум бир тарихий давр билан ўзаро боғлиқлиги билан белгиланиши ўрганилган.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмурадов, А.Умаров, А.Холбеков, О.Абдуазимов, М.Ганиева, Ш.Содиқова, Р.Убайдуллаева, О.Ота-Мирзаев, Ў.Қаюмовларнинг<sup>6</sup> ишларида жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) таъсирини тизимли ўрганиш, жамият ахборот маданияти, тарихимиз ва миллий маданиятга қизиқишни шакллантириш ва кучайтириш, жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий мулоқот социологиясининг ўрни, ижтимоий-сиёсий жараёнда социологик дискурсининг ўзига хос тузилиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, маънавий қадриятларни тиклашда социологик дискурсининг аҳамияти таҳлил этилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ижтимоий-сиёсий жараёнларда мулоқотнинг ўрни, унинг бошқарувдаги аҳамияти билан боғлиқ муаммолар тизимли тадқиқ этилган бўлсада, халқ билан мулоқот олиб бориш, аҳолининг фикрини ўрганиш, одамлар билан мулоқот вазиятларини олиб бориш етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса, диссертант томонидан мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ – 20170929253 «Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш» (2018-2020й.) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги жадал ўзгаришлар жараёнида халқни рози қилишдан иборат моҳиятни ифодаловчи социологик дискурсининг ўрни ва аҳамиятини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>6</sup> Бекмурадов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. –Т.:YOSHLAR NASHRIYOT UYI, 2020; Умаров А. Республика ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар / Халқаро конференция материаллари. Т.: 2010.; Холбеков А. Маънавий қадриятларни тиклаш, мустақиллик мафкурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти./ Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: 2015й.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. –Т.: Фан ва технология, 2016й.; Ганиева М. Совершенствование системы подготовки специалистов по социальной работе в вузах Узбекистана: проблемы и новые возможности // Материалы международного форума “Духовно-нравственные основы общества в системе социальной поддержке детства и семьи”. –Т.:РЦСАД,2012г; Содиқова Ш. Ўзгаришлар социологияси.Ўқув қўлланма.-Т.:Akademiyа, 2019; Убайдуллаева Р.А. Роль и место социологии общественного мнения в развитии науки Узбекистана Электронный ресурс -[http://www.rusnauka.com/35\\_OINBG\\_2012/Psihologia/13\\_122933.doc.htm](http://www.rusnauka.com/35_OINBG_2012/Psihologia/13_122933.doc.htm); Ота-Мирзаев О.Б., Бекмурадов М., Убайдуллаева Р.А., Ганиева М.Х., Холбеков А. Социология. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ; мероси нашриёти, 2002й.; Қаюмов Ў., Убайдуллаева Р., Ота-Мирзаев О., Бекмурадов М., Социологик тадқиқотлар амалиёти. Методик қўлланма. Т.: 2001.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«социологик дискурс», «мулоқот вазияти» тушунчаларининг мазмуни ва таърифни очиб бериш;

социологик дискурс тузилмаси, функцияси ва унинг хусусиятларини тадқиқ этиш;

социологик дискурс ва мулоқот жараёнининг боғлиқлигини таҳлил этиш; ижтимоий-сиёсий мулоқот туркумлари таърифларига ойдинлик киритиш; маълумотларнинг асосий маъносини талқин қилишда социологик дискурснинг ўрни ва аҳамиятини асослаш;

ОАВ фаолиятида социологик дискурснинг ўрнини белгилашга доир концептуал қарашлар таҳлили;

ўзгаришлар жараёнида социологик дискурс самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш усулларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар жараёнида дискурснинг социологик асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ижтимоий-сиёсий, йўналишлардаги туб ўзгаришларда социологик дискурснинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу фаолиятда юзага келаётган жараёнлар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, қиёсий таҳлил, интервью, сўровнома каби тадқиқот ва таҳлил усуллари, дискурс таҳлил қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«социологик дискурс» ҳодисасини социологик таҳлил этиш орқали унинг регулятивлик (легитимлаштириш, делегитлаштириш, ижтимоий назорат, ҳокимият фаолиятини одамларни рози қилишга йўналтириш, ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш), интеграционаллашув (ижтимоий табақалараро мулоқот, бегоналашувнинг олдини олиш, агонал баҳолашга барҳам бериш), акционал (ижтимоий ҳаётни мобиллаштириш, жараён иштирокчиларини фаоллаштириш, лидерлар масъуллигини ошириш) хусусиятлари аниқланган;

социологик дискурсни қўллаш жараёнида одамлар матн ёки риторик салоҳиятни намоён этувчи оғзаки нутқни ривожлантириш билан бир вақтда гуруҳлараро муносабатларда бунёдкорликка йўналган позитив рух, жамиятда тотувлик, ўзаро ҳамкорликдаги проактив ёндашувни ҳам мустаҳкамлаши асосланган;

социологик дискурда халқ тили, миллий менталитетга мос сўз ва ибораларга таяниб, мулоқот олиб борилиши ҳамда муаммолар ечимига конструктив ёндашув киритилиши ўзаро тушуниш муҳитини юзага келтирувчи медиация ҳолатидаги прагматик мулоқотни амалга оширилиши очиб берилган;

социологик дискурс орқали ижтимоий-сиёсий воқелик факт ва ҳодисаларини концептуаллашган ҳолда қабул қилиниши жамиятда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг релевант англашишига инсонлар мақсад ва ҳаракатларининг давлат сиёсатига уйғунлашувига, одамларнинг ижтимоий мавқеи, эрудицияси, интеллектуал имкониятларининг жамият



манфаатларига йўналтирилиши, эгалланган билимларнинг инсон капитали сифатида трансформациялашувига олиб келиши исботланган;

социологик дискурс ижтимоий-сиёсий мулоқот таъсирчанлигини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш тарзи сифатини ошириш, уларнинг дунёқарашини бойитиш ва юз бераётган ўзгаришларга бўлган дахлдорлик муносабатини яхшилаш имкониятларини кенгайтириш ва ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишнинг зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

социологик дискурс ижтимоий-сиёсий воқеликка маълум мақсад асосида йўналтирилган, ижтимоий-маданий, руҳий ва бошқа омиллар уйғунлигидаги ўзаро боғланган мулоқот эканлиги кўрсатилган;

социологик дискурс ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги танқидий қарашлар тўқнашувини ифодаловчи коммуникатив жараён, муайян гуруҳ аъзолари томонидан муаммони ечиш борасидаги фикр ва далиллар тўқнашуви ифодаланиши очиқ берилган;

дискурс билан мулоқотнинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатилиб, мулоқотнинг туркумлари таҳлил қилинган;

ижтимоий-сиёсий мавзу ёки муаммони ўрганиш учун қаратилган мулоқот маълумот берувчилар ўз билим ва кўникмаларига, ҳаётий тажриба ва ижтимоий-маданий воқеликни қай даражада таҳлил қилишига қараб, ўзининг дискурсига эга бўлиши кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета ва эксперт сўров шакллари асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларнинг мазмунини тўғри англашга ёрдам бериши билан белгиланади. Диссертацияда баён этилган хулосалар давлат бошқаруви органлари ходимлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва муассасалари ходимлари, аҳоли муаммолари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари аъзолари учун тавсиялар ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Социология», «Бошқарув социологияси», «Шахс ва жамият» каби ўқув фанларига дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий тавсиялар тайёрлашда ҳамда халқ билан мулоқотга доир меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида социологик дискурснинг роли бўйича тадқиқот натижаларидан:

«социологик дискурс» тушунчасининг мазмуни ва таърифига ойдинлик

киритиш орқали унинг легитимлаштириш ва делегитлаштириш, ижтимоий назорат, ҳокимият фаолиятини инсонийлаштириш, ижтимоий гуруҳлар доирасидаги интеграция каби стратегик вазифалари ижтимоий дифференциация, агонал ва акционал вазифалари аниқланиб, социологик дискурс орқали ижтимоий мулоқот туркумлари асосланганлиги ҳақидаги ҳулосалари билан «Маҳалла» телерадиоканали ДУК «Маҳалла» радиоси «Ижтимоий-ҳуқуқий» дастурлар муҳаррияти орқали доимий равишда «Мулоқот вақти» саҳифасида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телерадиоканалининг 2020 йил 7 декабрдаги 04-115-сонли маълумотномаси). Натижада, социологик дискурснинг мазкур стратегик вазифалари мамлакатимизда кучли жамоатчилик фикрини шакллантириш, раҳбарлар фаолияти унумдорлигини ошириш, уларнинг ҳамкорлик қилиш ва жамоада ишлай олиш қобилиятини кучайтиришга хизмат қилган;

социологик дискурсни қўллаш жараёнида одамлар матн ёки риторик салоҳиятни намоён этувчи оғзаки нутқни ривожлантириш билан бир вақтда гуруҳлараро муносабатларда бунёдкорликка йўналган позитив рух, жамиятда тотувлик, ўзаро ҳамкорликдаги проактив ёндашувни ҳам мустаҳкамлаши асосланганлигига оид таклифидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2017 йил 3 январдаги 3-сонли буйруғига асосан 2017-2020 йилларда БФ-1-003 «Ўзбекистон жамиятини модернизациялаш шароитида жамоатчилик фикрини ўрганишнинг фундаментал илмий-амалий асослари» мавзуида амалга оширилган фундаментал тадқиқот ишларида фойдаланилди ва тегишли равишда Марказ фаолиятига жорий этилди («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 3 июндаги 0116/157-сонли маълумотномаси). Натижада социологик дискурснинг қўлланилиши жамиятда тотувлик, ўзаро ҳамкорликдаги проактив ёндашувни мустаҳкамланишига ҳисса қўшган;

социологик дискурда халқ тили, миллий менталитетга мос сўз ва ибораларга таяниб, мулоқот олиб борилиши ҳамда муаммолар ечимига конструктив ёндашув киритилиши ўзаро тушуниш муҳитини юзага келтирувчи медиация ҳолатидаги прагматик мулоқотни амалга оширилишига оид тавсиясидан 2018-2020 йилларда ПЗ-20170922128 «Ёшларга оид давлат сиёсати ва баркамол ривожланган авлодни шакллантириш» мавзуида амалга оширилган амалий тадқиқот иши доирасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 89-03-4844-сонли маълумотномаси). Натижада, социологик дискурс мамлакатимизда халқ билан мулоқот олиб бориш, муаммоларни ҳал қилишда ҳамжиҳатлик билан фаолият юритиш, ўзгараётган воқелик мазмунини чуқур таҳлил қилишда ижобий натижа берган;

социологик дискурс орқали ижтимоий-сиёсий воқелик факт ва ҳодисаларини концептуаллашган ҳолда қабул қилиниши жамиятда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг релевант англашишига инсонлар

мақсад ва ҳаракатларининг давлат сиёсатига уйғунлашувига, одамларнинг ижтимоий мавқеи, эрудицияси, интеллектуал имкониятларининг жамият манфаатларига йўналтирилиши, эгалланган билимларнинг инсон капитали сифатида трансформациялашувига олиб келишига оид тавсиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13 декабрда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижроси юзасидан вилоят маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари учун 23-25- декабрь кунлари Боғот ва Шовот туманлари ҳамда Хива шаҳрида ташкил этилган семинар-тренингда «Аҳоли билан самарали мулоқот қилиш технологиялари» мавзуида тренинг олиб борди (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Хоразм вилоят бошқармасининг 2020 йил 29 декабрдаги 01-5187- сонли маълумотномаси). Ушбу натижаларни қўллаш орқали халқ билан мулоқот қилишда социологик дискурсининг ижтимоий хусусиятларини чуқурроқ англаб етиш, аҳоли онгига ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларнинг мазмунини тўғри англашга эришилган;

социологик дискурс ижтимоий-сиёсий мулоқот таъсирчанлигини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш тарзи сифатини ошириш, уларнинг дунёқарашини бойитиш ва юз бераётган ўзгаришларга бўлган дахлдорлик муносабатини яхшилаш имкониятларини кенгайтириш ва ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишнинг зарурати асосланганлигига оид таклифидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2017 йил 3 январдаги 3-сонли буруғига асосан 2017-2020 йилларда БФ-1-003 «Ўзбекистон жамиятини модернизациялаш шароитида жамоатчилик фикрини ўрганишнинг фундаментал илмий-амалий асослари» мавзуида бажарилган фундаментал тадқиқот доирасида ўтказилган ижтимоий сўровларда фойдаланилди («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 3 июндаги 0116/157-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фундаментал тадқиқотнинг институционал муассасалар битирувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнларини такомиллаштиришга бағишланган қисмини бойитиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва илмий зарурати, республикаимиз фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «**Социологик дискурсни тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлод кадрларини шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳит яратиш ва уни рационал баҳолашда социологик дискурсни ўрни кўриб чиқилган.

«Дискурс» сўзи «англанган ҳаракат», «муайян нуқтаи назарни ҳимоялаш, ўз мулоҳазаларини фикрлаб асослаш» маъноларини ифода этади, мулоқот иштирокчиларининг ҳаракатлари, фикр ва мулоҳазаларининг муҳим томонларини муҳокама қилиш ва асослашга қаратилган нутқий алоқа тури ҳисобланиб, юз бераётган воқеа ва жараёнларга одамларнинг муносабати, ўзига хос ёндашувини мужассамлаштирувчи тизим сифатида намоён бўлиши ифодаланади. Бунда маълумот берувчилар ўз билим ва кўникмалари, ҳаётий тажриба ва ижтимоий-маданий воқеликни қай даражада таҳлил қилишига қараб, ўз нуқтаи назари, дискурсига эга бўлади.

Бугунги кунда социологик дискурсни иккита йўналиш, яъни оғзаки (омма олдида чиқишлар, суҳбат, аҳоли билан мулоқот, мурожаат, тақдимот) ва ёзма (илмий мақола ва тадқиқотлар) тарзда қўллаш амалиёти мавжуд. Англиялик тадқиқотчи Ван Дейк ўз асарларида тўрт даражадаги мунозарали таҳлилни эркин суҳбат, стандартлаштирилган суҳбат, жанр, ижтимоий шаклланиш сифатида тавсифлаган.<sup>7</sup> Жанр ҳақида сўз юритганимизда, эпистоляр жанр (юнонча *epistole* – хат, хабар; муайян маълумотни етказиш учун юборилган хат, телеграмма кўринишидаги матн, узоқ масофалардан туриб мулоқот қилишнинг ягона усули<sup>8</sup>) хусусиятлари ва дискурс билан боғлиқлиги кўрсатилган. Эпистоляр усул кенг жамоатчилик орасида ва турли соҳаларда мақсад учун қўлланилиб, матнлар образли, ҳиссий тақдимот, расмий характерга эга ёки нутқий ранг бериш билан ажралиб туради.<sup>9</sup> Дискурс реал вазиятнинг барча бойлигини, яъни мулоқот олиб боровчиларнинг шахсияти, уларнинг мақсад ва ниятлари, ижтимоий ҳолатларини акс эттирадиган

<sup>7</sup> Dijk T.A. van. Discourse as structure and process. London, SAGE Publication, 1997, p. 357; Idem. Discourse as Social Interaction. A multidisciplinary introduction. Vol.2 – SAGE Publication, London, 1996, p. 325; Idem. Political Discourse and Political Cognition (1997) // [www.nu.yah/psych/vandijk.htm](http://www.nu.yah/psych/vandijk.htm).

<sup>8</sup> <https://unotices.com/page-answer.php?id=4793>

<sup>9</sup> Ямалетдинова Г.Т. Эпистолярный жанр: его прошлое и настоящее. Место и роль в современных условиях// Международный студенческий научный вестник. – 2017. – № 5. URL: <http://www.eduherald.ru/ru/article/view?id=17302>

фаолият тури сифатида қаралади.<sup>10</sup> Эпистолярияни дискурс сифатида аниқлашда дискурснинг мулоқот жараёнида яратилганлиги ва мулоқот иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар қўлланилган сўз ва иборалар ёрдамида акс эттириши муҳим аҳамиятга эга.<sup>11</sup> Ван Дейк социологик дискурс таҳлилини матн таркибини ўрганишдан бошлашни таклиф қилади. Бунда янгиликларнинг семантик таркиби матн жараёнида ошкор бўлади: биринчи навбатда энг муҳим маълумотлар ифодаланади, кейин матн тақдимотининг тегишли тузилишини ташкил этадиган стратегия қўлланилади. Матнларни талқин қилишда, турли урф-одатлар ёки интеллектуал талабларга асосланиб уларни қандай мақсадда ёзилганлигини аниқлашда герменевтика (юнонча – тушунтириш, изоҳлаш (илмий), талқин қилиш)дан кенг фойдаланилади. Герменевтиканинг мақсади – тил умумий тизимининг бир қисми ва баъзи шахсларнинг ижод маҳсули сифатида ёзма ҳужжатларни тушуниш имкониятларини англаш.<sup>12</sup> Герменевтиканинг асосий ўрганиш предмети – матндан тўғри фойдаланиш учун уни тушуниш, уни ақлий идрок этиш ва тўғри талқин этиш, яъни тушунишнинг турлари, даражалари, босқичлари, омиллари ўрганилган.<sup>13</sup> «Герменевтик дискурс матни англаш, тушуниш ва талқин қилиш натижаси бўлиб, англаш (қабул қилиш) – матннинг бир текисда (чизиқли) очилишини амалга ошириш учун биринчи қадам; тушуниш – кодлаш жараёни бўлиб, лингвистик белгилар йиғиндиси орқали ҳосил бўлган матндан маъно англатадиган тизимга ўтиш; талқин – тушунишнинг янада чуқурроқ даражасига ўтиш, шу жумладан, идрок этилаётган ва тушунилган нарсалар ҳақида мулоҳаза юритиш»<sup>14</sup>лиги кўриб чиқилган.

Ҳозирги замон социология фанининг муҳим йўналиши бўлган фикрлаш (умуман онг)нинг мулоқот билан ўзаро таъсири масаласидаги тафаккур соҳаси юксак даражада мураккаб эканлигига эътибор қаратиш зарур. Фикрлаш тарзи нафақат объектив воқеликка эга бўлган маълумотни, балки субъектив воқелик орқали англаш йўли, деб талқин этилади. Онгнинг фикрлаш актларида мулоқотнинг объектив ва субъективлик позициялари бирлашиб, намоён бўлади. Мулоқот орқали инсон онги муайян маданият билан боғланади, маданият эса онгга мулоқот орқали таъсир қилади. Маданият – одамларнинг қилган ва қилаётган барча нарсалари, мулоқот эса одамлар нимани ўйлаганлари ва англаганлари, нимани ўйлаётганлари ва англаётганлари. Шундай жараёнлардан бири медиация жараёнидир. Медиация – томонларнинг ўзаро танланган холис ва нейтрал шахс билан учрашадиган, уларнинг келишмовчиликларини муҳокама қилишда ёрдам берадиган жараён. Медиация – икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги низоларни конкрет таъсирга эга бўлган ҳолда ҳал қилишнинг муқобил ечиш шакли. Одатда,

<sup>10</sup> Леонтьев В. В. Комплимент как жанр личностного типа дискурса / 143 В. В. Леонтьев // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 200.

<sup>11</sup> Седов К. Ф. Дискурс и личность: эволюция коммуникативной компетенции / К. Ф. Седов. – М.: Лабиринт, 2004. – С. 7.

<sup>12</sup> <https://bigenc.ru/philosophy/text/>


<sup>13</sup> <http://ponjatija.ru/taxonomy/term/61>

<sup>14</sup> Орлова Н.В. Анализ и интерпретация текста: учебное пособие. Омск: Изд-во Ом. гос. ун-та, 2015. 36с.

учинчи томон – воситачи, томонларга келишув бўйича мулоқот (музокаралар) олиб боришда ёрдам беради. Томонлар тижорат, ҳуқуқий, дипломатик, иш жойи, жамоат, аҳоли билан ва оилавий масалалар каби турли соҳаларда низоларга воситачилик қилишлари мумкин<sup>15</sup>.

Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва мавжуд муаммолар ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Социологик дискурс халқ тили, миллий менталитетга мос сўз ва ибораларга таяниб, мулоқот олиб борилиши ҳамда муаммолар ечимига конструктив ёндашув киритилиши ўзаро тушуниш муҳитини юзага келтирувчи медиация ҳолатидаги прагматик мулоқотни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Фарғона, Андижон, Сурхандарё ва Хоразм вилоятларида социологик сўровнома ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Кўкча дарвоза» маҳалласида 2018 йил 9-11 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича социологик сўровнома ўтказилди. Иштирокчиларнинг 51 фоизи эркаклар, 49 фоизи аёллар эди. Уларнинг ёши: 21-33 ёшдагилар - 21%, 34-50 ёшдагилар – 28%, 51-60 ёшдагилар – 35%, 61 ва ундан юқори ёшдагилар – 16 % ни ташкил этди.



1- расм. Сўровнома қатнашчилари

Дискурс таҳлилни қўллаган ҳолда, социологик хулосамиз қуйидагича бўлди: маҳалла аҳолисининг давлат идораларининг халқ билан мулоқот қилиш ҳолатини фаоллаштириш, маҳалла фаолиятига доир муносабатда очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун аҳоли билан кенг мулоқотни йўлга қўйиш (67,4 %), интернет ва ижтимоий-сиёсий тармоқлар имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги (18,8 %) ойдинлашди.

<sup>15</sup> Agardy, Peter (2009), “Mediation and insolvency practitioner”, *Insolvency Law Journal*, Thomson Reuters, Vol 17. № 3, September, Pages 135-146.



## 2-расм. Сўровнома натижалари

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, социологик дискурс маданият ва муайян ҳолатни ифодаловчи алоҳида вербаллашган нутқ ёки контекст натижа. У ижтимоий-сиёсий воқеликка маълум мақсад асосида йўналтирилган, ижтимоий-маданий, руҳий ва бошқа омиллар уйғунлигидаги ўзаро боғланган мулоқотнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш омили эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида социологик дискурсни ўзига хослиги» деб номланган иккинчи бобида ҳозирги даврда инсон келаётган турли ахборот оқимини ўзлаштиришга, уни ўзиники қилиб олишга, ҳатто, ижтимоий-сиёсий мулоқотнинг ўзини ҳам мазмунан теран қабул қилишга улгурмаяпти.

Замонавий жамият ахборот билан шу қадар боғлиқки, бу «ахборотлилик» деб аталади. Жамият аъзолари ахборот асрининг «мустақил истеъмолчиларидир».<sup>16</sup> Аммо, ахборотни узатиш шунчаки воқеликдаги далилларни айтиш эмас, балки уни изоҳлаш, яъни ҳақиқий ахборотни етказишдир. Ахборот фикрлашга чорлайди, у теварак-атроф, дунё ҳақидаги қарашлар, фикр ва тажрибаларни шакллантириб, тартибга солади. Социологик дискурс ОАВ билан ўзаро боғлиқ бўлиб, мафкура қуроли вазифасини ҳам бажаради. Мафкура ўзида «Муайян сиёсий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини амалга оширишнинг асосий норма, қадрият ҳамда тамойилларини, ҳокимиятнинг легитимлиги (қонунлашганлиги), амал қилиш механизмларини акс эттиради».<sup>17</sup> Бизнинг фикримизча, мафкура ОАВнинг социологик дискурсида ўз ифодасини топади. Яъни, мафкура очик ва яширин, воситали ва бевосита бўлиб, аудиторияга айтилаётган фикр, нутқ ёки хабарда акс этади. Шундай қилиб, ОАВда социологик дискурсни ижтимоий-маданий мазмуни (контекст) инсон, жамоа онгини эгаллашни билдиради. Ушбу мазмун (контекст) оммавий аудиторияга йўналтирилган бўлиб, нафақат

<sup>16</sup> Dijk T.A. van The interdisciplinary study of news as discourse // Handbook of Qualitative Methods in Mass Communication Research / Ed. by K. Bruhn-Jensen, N. Jankowski. -London: Routledge, 1991. -P. 108-120.

<sup>17</sup> Dijk T.A. van The interdisciplinary study of news as discourse // Handbook of Qualitative Methods in Mass Communication Research / Ed. by K. Bruhn-Jensen, N. Jankowski. -London: Routledge, 1991. -P. 108-120.

онгни эгаллаш асоси, балки унинг зарур шарт-шароити ҳамдир.


Бундан шундай хулоса келиб чиқади: ижтимоий-сиёсий мулоқот кўлами ижтимоий тафаккур кўламидан бир неча бор кенг; ижтимоий тафаккур жараён сифатида субъектнинг ўзиники, унинг бевосита реал бойлигидир. Социологик дискурс таркибида «мулоқот вазияти» омилини ҳам махсус таҳлил этишни тақозо этади. «Мулоқот вазияти» тушунчаси серқирра ва кўп маъноли бўлгани учун олимлар томонидан турлича талқин қилинади. В.Аврорин «мулоқот вазияти»ни талқин қилиш учун «нутқ вазияти» тушунчасига таяниш зарур, дейди<sup>18</sup>. Бизнинг фикримизча, муайян мулоқот жараёнида мулоқот вазияти ўрганилаётганда қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш лозим:

- 1) мулоқот жараёнини юзага келтирувчи ижтимоий шарт-шароитлар ҳисобга олинганлигини аниқлаш;
- 2) мулоқот мавзусини англаш;
- 3) мулоқот шакллари қай тартибда ва нечоғлик мақбул танланганлигини ўрганиш;
- 4) мулоқотдан кутилган натижалар салмоғини аниқлаш.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, «мулоқот вазияти» тушунчасининг мазмуний таркиби мулоқотлар ўртасидаги алоқаларнинг динамик ҳолати, мулоқот жараёнида тарқоқликнинг яхлитлик ва муайян тизимга бирикиш хусусияти, унинг демографик, маданий-тарихий, этносиёсий ва этноюрлик мезонларга боғлиқ ҳолда амал қилиши омиларини ўзида мужассам этувчи ўзига хос жараён сифатида талқин этиш мумкин.

Мулоқот ўрнатиш сиёсатининг шаклланишида жамият томонидан олиб бориладиган фаолият кучли таъсир кўрсатади. «Мулоқот сиёсати» тушунчаси ижтимоий фанларда турлича талқин қилинмоқда. Мазкур тушунча моҳият эътиборига кўра, жамият тараққиётини барқарорлаштирувчи ва янги мулоқот майдонларига йўл очувчи жараёндир.

Дискурс асосидаги мулоқот таркибини қуйидагича беришимиз мумкин:



3-расм. Дискурс асосидаги мулоқот таркиби

<sup>18</sup> Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка.- Л.: Наука,1975. С.72.




Жамиятдаги турли жараёнларнинг ўзаро ҳаракати, уларнинг эгилувчанлиги ва бир маромлилиги мулоқот воситаларининг имкониятларини очиб бериб, ижтимоий тафаккур онгдаги мулоқотнинг манипуляциялашув жараёни ва динамикасини таҳлил қилиш, унинг стратегияси ҳамда тактикаси билан боғлиқ таркибий жиҳатларини аниқлаш, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда муваффақиятли ёки муваффақиятсиз мулоқотни амалга ошириш имкониятларини белгилашдан иборат. Дискурс негизидаги мулоқот ўз функцияларини амалга ошириш имконияти ва таъсир кучига эгаллиги билан ёлғонни чиндан ажрата олади, қолаверса, ижтимоий вакиллар, жараёнларни мулоқот нуқтаи назаридан объектив талқин этиши билан ажралиб туриши изоҳланган.

Ўзаро мулоқотда қуйидаги тамойилларга англамаган ҳолда ҳам суяниш мумкин, яъни: 1) хабар беришни хоҳлаб сўзлаш (бирор нарса ҳақида беихтиёр гапирмоқ); 2) аниқлаб олишни хоҳлаб сўзлаш (бирор мавзу билан суҳбатдошни жалб қилиб гапирмоқ); 3) боғлиқликни хоҳлаб сўзлаш (бирор мавзу доирасидан чиқмасдан узоқ гапирмоқ); 4) ҳақиқатни аниқлаб, фикрни исботлашга интилиб сўзлаш (тўғри нарсани нотўғридан ажратиб, чин юракдан гапирмоқ) кўриб чиқилган. Юқоридаги тамойилларга амал қилинмаганда дискурс мулоқотда ахборот етказиш яхлитлигини таъминламаслик ҳолати юзага келиши: 1) ибораларда ортиқча маъно бўлмайдиган ахборотнинг кўплиги; 2) иборалардаги майда икир-чикир фикрларнинг кўплиги; 3) мақсаддан чалғитувчи фикрларнинг контекстга халақит бериши; 4) суҳбатдошнинг мулоқотдан беизиши; 5) кўндиришдан иборат пировард натижага эришмаслиги ҳам бўлиши мумкинлиги ўрганилган.

Социологик дискурда англаб етилмаган ҳолатдаги ахборотни етказиш жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, инсон томонидан мулоқот тури тизимли регуляция этилмаса, суҳбат субъекти кўндирувчилик ташаббусини қўлдан чиқаради. Шу боисдан ҳам социологик дискурс ижтимоий ҳамжиҳатликка мулоқот орқали эришиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Жамиятда юзага келадиган ижтимоий ва сиёсий ишонч жамоавий ҳамжиҳатликка трансформациялашади. Бундан ташқари, ишончни ўрнатиш учун мулоқотнинг бирламчи ресурси сифатида ишончсизлик омилини асослаш лозим, зеро мулоқот орқали ҳамжиҳатликка эришиш моҳият эътиборига кўра қуйидаги схема тарзида намоён бўлади:



4-расм. Мулоқот орқали ҳамжиҳатликка эришиш жараёни

Ижтимоий ишонч, пировард натижада, одамларнинг ўзаро ҳамкорлигига ҳам йўл очади. Ижтимоий ишонч ўзига хос тарзда намоён бўлиб, ҳар бир этномаданий муҳит фарқ қилувчи жиҳатларидан ташқари, умумий қоида ва кадриятларга асосланган нормаларга риоя қилиш асосида шаклланади.

Ижтимоий мулоқот орқали социологик дискурсга эришиш ахборотга қай тарзда бошқаришга боғлиқлигини тадқиқ қилганимизда, аввало, бу жараённинг учта асосий жиҳатини эътиборга олишимиз зарур:

- ҳар қандай ижтимоий объектнинг ўзига хос алоқа воситаларини билиш;
- ахборотнинг шахсдан-шахсга бир субъектдан иккинчи субъектга етказишдаги деформацион ҳолатларни (нотўғри талқин қилиш) англаш;
- самарали таъсир ўтказиш учун ахборотни узатиш ва алмашишдаги технологик хусусиятларни ҳисобга олиш.

Социологик дискурс аҳоли билан яқиндан мулоқот ўрнатишда, қабул қилинган қарорларни ҳаётга тадбиқ этиш ва фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилишда ОАВ кўмагига таянади. Дискурсив ёндашув Халқ қабулхоналари тизими асосида барча даражадаги раҳбарларнинг мунтазам равишда берадиган ҳисоботлари асносида фуқаролар билан очик мулоқот қилишнинг янги самарали шакл ва механизмларини жорий қилишда, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари, улар манфаатларини ҳимоя қилишда, вазиятни ўрганишда, аҳолининг таклифлари асосида муҳокамалар ташкил этишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Социологик дискурсни асосий мақсади – маълумотни етказиш ва самарали таъсир ўтказиш. Маълумот тўғри қабул қилиниши учун оддий ва тушунарли тилда шарҳлаш, тингловчиларнинг онгида сақлаб қолиниши ҳамда ахборотни оқилона идрок этиш учун асосий ва зарур қисмларни тақдим этиш муҳим. Яъни, социологик дискурс берилган маълумотнинг мазмуни, ақл-идрок мантиқийлиги, аниқлик ва мулоқот билан тавсифланади. Қабул қилинган маълумот асосида одамларнинг фикрлари, унинг компетентлиги, асосан, одамларнинг хатти-ҳаракатлари белгиланади. Зеро, жамоатчилик фикри ҳар қандай шароитда муҳим маънавий ва моддий куч ҳисобланади. «Жамоатчилик фикри сифатида турли даражадаги жамоалар - гуруҳ, жамоа, аҳоли ёки давлатнинг йиғма фикри тушунилади. Бунда, асосий субъект – аҳоли, яъни халқ назарда тутилади»<sup>19</sup>, деб Д.П. Гавра таҳлил қилади. Бундай ёндашув энг рационал, жамоатчилик фикри жамият ижтимоий-сиёсий вазиятини акс эттиради, бу ҳолат фуқаролар хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Шундай қилиб, дискурсив моҳиятга таянган жамоатчилик фикри нафақат ижтимоий жараёнларни акс эттиради, балки жамиятда юзага келадиган барча жараёнларга жиддий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда қуйидаги диаграммани келтириш мумкин:

---

<sup>19</sup> Гавра Д.П. Общественное мнение как социологическая категория и как социальный институт. СП - 1995. –С. 17.



**5-расм. Социологик дискурснинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги ўрни**

Мулоқот ҳар доим маълум бир ижтимоий бўшлиқдаги инсон фаолиятининг муайян соҳасида амалга ошади. Дискурс ижтимоий мулоқот учун аниқ шароит яратади. Унинг иштирокчилари турли ижтимоий рол ва установкаларга эга бўлиб, икки турдаги – персонал (шахсий йўналтирилган) ва институционал дискурсларга бўлинади. Персонал дискурсга ОАВдаги ижтимоий дискурс ҳам киради. Институционал дискурс расмий муносабатлар доирасида ифодаланган мулоқот ҳисобланиб, унинг асоси икки хусусият: мулоқот ва иштирокчиларнинг мақсадидан иборат бўлади.<sup>20</sup>

Ахборотни узатиш шунчаки воқеликдаги далилларни айтиш эмас, балки уни изоҳлаш, яъни ҳақиқий ахборотни етказишдир. Ахборот фикрлашга чорлайди, у теварак-атроф, дунё ҳақидаги қарашлар, фикр ва тажрибаларни шакллантириб, тартибга солади. Ахборот бериш орқали ОАВда социологик дискурс ҳам ҳаракатда бўлиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида социологик дискурсни янада такомиллаштириш йўллари» деб номланган учинчи бобида замонавий жамият инсонларнинг ижтимоий ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, бунда инсон нафақат объект, балки жамиятда фаолият юритадиган ва давлат томонидан режалаштириб амалга ошириладиган ва бошқариладиган ижтимоий дастурларни ижро этиш субъекти сифатида ҳам намоён бўлиши<sup>21</sup> ўрганилган.

